

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 30 июнь • №25 (1409)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О И

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:

- Белгилаб қўйилсинки:
 - 2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга қадар: оммавий ахборот воситалари фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди, реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно;
 - 2023 йилдан бошлаб тегишли давлат органлари ва ташкилот-

лари ҳамда бошқа муассасаларга 110 нусха даврий босма нашрлар ва 67 нусха китоб маҳсулотларининг мажбурий бепул нусхаларини юбориш амалиёти бекор қилиниб, улар томонидан босма маҳсулотларни харид қилиб олиш тартиби жорий қилинади (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бундан мустасно). Бунда, тегишли давлат органлари томонидан харид қилиб олиш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади;

в) бюджет ташкилотларига улардаги “кутубхона фонди” харажат моддаси орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 октябрдан бошлаб болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомаҳсулотларни ишлаб чиқариш ва эфирга узатиш бўйича ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача миқдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида ҳар чоракда: оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган 100 та-

гача энг яхши материал учун муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари) қуйидан юқорига ўсиб бориш тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади;

амалий ва долзарб аҳамиятга эга бўлган 100 тагача энг яхши таҳлилий материални тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) энг яхши материалларни кенг жамоатчилик ва

Давоми 2-бетда →

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тимсолида ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон кадрини улуглаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошқоралик муҳитини мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олижаноб ишларга бағишлаган жонкуяр ва заҳматкаш инсонларни қўраимиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичига қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари – журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босма хона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга бекиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли қўпригига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз-шогирд аъналарини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор туфайли юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва Интернет тармоғини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобиль иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираёт-

ган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш – олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилоқдалар.

Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серкирра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Давоми 3-бетда →



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 бетда

малакали мустақил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда электрон аниқлаш тизими – махсус электрон платформани ишга туширсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик билан ўтказишга эътибор қаратилсин, шунингдек, “Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорлари:

бош миллий мукофот учун – автомобиль;

биринчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари;

иккинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари;

учинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари;

12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти билан тақдирлансин.

Белгилансинки, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар “Илҳом” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) барча давлат органлари ва ташкилотлари ўз муассислигидаги даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакли, шу жумладан, мобил иловалари тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 2022–2024 йилда ажратилган Давлат бюджети ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилишини ташкил этади, кейинги йилларда уларни модернизация қилиш учун маблағ ажратиб боради;

б) 2023 йил январдан бошлаб: давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини, шу жумладан, уларнинг мобил иловаларини яратиш ҳамда модернизация қилиш ва бир йил давомида юритиш харажатларини қоплаш учун

2026 йил 1 январга қадар ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа бўйича танлов эълон қилинади. Бунда, ҳар бир танлов учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади;

даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига масофадан туриб обуна бўлиш ва уларнинг буюртмачигача ўз вақтида етказиб берилишини кузатиб бориш имконини берадиган “Обуна” ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг мобил иловаси яратилади;

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан “Обуна” ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг 10 фоиз, болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрлар обуна нархининг 20 фоиз миқдори Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида қайтарилади (“Cashback”), реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно. Бунда, ушбу харажатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) 2022 йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Обуна” ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг мобил иловасини яратсин ва электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилсин ҳамда унинг доимий равишда модернизация қилиниши, техник қўллаб-қувватланиши ва фаолият юритишини таъминласин.

6. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан интеграция қилиш, кадрларнинг малакасини ошириш ва журналистларнинг хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштирилади;

б) оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ахборот хизматларида камида беш йил ишлаган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида дарс бераётган, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига эга бўлган шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра 1-иловага мувофиқ профессор ва доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади;

в) олий таълим муассасалари ректорларига журналистика соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таниқли ва тажрибали ходимларини, соҳанинг етук мутахассисларини жалб қилиш ва улар меҳнатини олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча рағбатлантириш ҳуқуқи берилади;

г) журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари кафедраларининг ихтисослаштирилган бўлимлари 2-иловага мувофиқ ташкил этилади;

д) оммавий ахборот воситаларида камида бир йил давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва таҳририят ходимларининг:

хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми компенсация қилинади. Бунда, улар хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотидан ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш учун имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ компенсация қилинади.

Бунда, ушбу “д” кичик бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси олий органи қарори билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй манзилдаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида

жойлаштирилсин.

Белгилансинки, 2023–2024 йилларда 50 нафар журналист ва таҳририят ходимлари хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади ҳамда улар учун хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслар ташкил этилади. Бу борадаги тегишли харажатлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳар йили Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг тегишли ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, саклаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан белгиланган тартибда субсидия сифатида маблағ ажратиб бориш чораларини кўрсин.

8. Журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қуйидагиларни уюшма томонидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келган низоларнинг судгача ҳал этилишига қўмақлашиш;

журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли жиноят ишлари бўйича иш юритишда уларнинг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

теле- ва радиоканалларнинг бадий кенгашлари фаолиятига жалб қилинган малакали экспертларни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан доимий равишда рағбатлантириб бориш.

9. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси олий органи қарори билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан тавсия этилган медиа лойиҳаларни амалга ошириш режаларига мувофиқ вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда

билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида медиа маҳсулотлар яратиш, уларни реализация қилиш ҳамда бошқа медиа лойиҳаларни амалга оширишга рухсат берилди.

10. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноғижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига оммавий ахборот воситалари учун грантлар, ижтимоий буюртмаларнинг сони ва миқдорини ошириб бориш ҳамда бу борада алоҳида танловлар ўтказиш тавсия этилсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Х. Шерматов) Адлия вазирлиги (Р. Қ. Давлетов), Молия вазирлиги (Т. А. Ишметов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. А. Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва куриш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган давлат божи миқдорини 50 фоизгача камайтириш ҳамда уни йил давомида бўлиб-бўлиб тўлашни жорий қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига кирит-

син. Бунда, куйидагилар учун давлат божининг алоҳида миқдорлари назарда тутилди:

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва куриш;

мамлакат миқёсида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) ёки ҳудудий телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш); радиоэшиттиришларни тарқатиш.

12. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган “Матбуот уйи” бино ва иншоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

Белгилансинки, ушбу бинога даврий босма нашрларнинг таҳририятлари ижара ҳақи тўламасдан (коммунал тўловлар ва кўрсатиладиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артиқходжаев) Курилиш вазирлиги (Б.И. Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда:

ушбу қарорнинг 12-бандида келтирилган бино ва иншоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда **замонавий медиа шаҳарча** ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни 2023–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин;

ушбу лойиҳа бўйича лойиҳа-смета

ҳужжатларини тайёрлаш учун 2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

Замонавий медиа шаҳарча лойиҳаси якунига етказилгунга қадар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинода давом эттирсин.

14. 2022–2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. А. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Ўзбе-

кистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3184-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидаги, 5-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 10-бандидаги ҳамда қарорга 1-илованинг ўн бешинчи хатбошисидаги тегишли келишиқдаги “Журналистлар ижодий уюшмаси” сўзлари тегишли келишиқдаги “Журналистлар уюшмаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3195-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухакимов ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А. А. Ходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Ш. И. Асадов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. Мирзиёев

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Давоми. Боши 1-бетда

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган бундай юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш – яна бир устувор вазирамиздир.

Шуни қайд этиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича кун кеча қабул қилинган Президент қарори бу борада муҳим кадам бўлди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг қонуний

манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот уйлари қўриқлари ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиб, янги бинолар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра, матбуот эркинлиги – барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида ха-

барлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш – бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсан чикармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, мухта-

рам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Бугунги байрам муносабати билан соҳа фидойиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз қалам аҳлини кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга сихат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

МЕҲНАТЛАРГА ЭЪТИРОФ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

"Нуят" меҳмонхонасида 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.



2022 йилнинг 27 июнь куни мамлакатимиз оммавий ва ахборот воситалари ҳамда медиа соҳаси ходимлари учун алоҳида аҳамиятли кун бўлди. Тарихий кун десак, муболага бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-

нинг соҳа ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди. Энг аввало, таъкидлаш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан соҳа вакилларининг бир гуруҳи

фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ОАВни қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим қарорни имзолади: оммавий ахборот воситаларига солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, журналистларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, обунани рақамлаштириш, кадрлар тайёрлашни кучайтириш ва бошқа кўплаб чоралар белгиланди.

"Нуят" меҳмонхонасида



соҳа фахрийлари, матбуот, телевидение ва радио, интернет-нашрлари ходимлари, блогерлар жам бўлган тантанали байрам тадбири эса ушбу файзли куннинг ажойиб кульминацияси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева ва Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов мукофотларни ўз эгаларига топширдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

пидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида ўтказилган тадбирга соҳада фаолият юритаётган шарафли касб эгалари – босма, телевидение, радио ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари тақдир қилинди.



Ҳар йили анъанавий тарзда республикаимизда 27 июнь – матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланиб

келинади. Шу муносабат билан жойларда ташкил этилган тадбирларда соҳа ходимларининг фаолияти алоҳида эътироф этилмоқда. Санитария-э-

Тадбирда сўз олган Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Баҳодир Юсупалиев йиғилганларни



байрам қутлар экан, мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари вакилларига қўйилаётган масъулият янада кучаётганини таъкидлади. Журналистларнинг ҳаётнинг қайноқ нуқталарига дадил кириб бориши, айниқса, коронавирус пандемияси даврида ўз соғлиғини

хавф-хатарга қўйиб, касаллик ўчоғидан лавҳа, интервьюлар тайёрланганига алоҳида тўхталиб, келгусидаги фаолиятларида муваффақият тилади.

Байрам муносабати билан ташкил этилган тадбирда бир гуруҳ соҳа ходимлари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ташақкурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

@sanepidxizmat

ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Навоий вилояти ҳокими томонидан 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ фаол ишодкорлар рағбатлантирилди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Нормат Турсунов сўзга чиқиб, соҳа ходимларини касб байрамлари билан қутлади. Аини пайтда оммавий ахборот воситалари вакилларининг 1 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, 1 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

ган маданият ходими, 4 нафари "Меҳнат шухрати" ва "Дўстлик" орденлари нишондорлари, 4 нафари эса "Шухрат" медаллари совриндоридир.

– Бугунги кунда давлат бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қолаверса, аҳолининг мав-

жуд муаммоларини кенг жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқишда журналистларнинг роли ошиб бормоқда, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Исроил Холбоев. – Буни эса оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган таҳлилий материаллар, журналистик текиширув ишлари ва танқидий кўрсатувлар сони ортиб бораётганидан билиб олиш мумкин.

Тадбирда бир гуруҳ ОАВ вакиллари тақдирланди.

ЎЗА



МУНОСАБАТ

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Конституциявий ислоҳотлар – халқимизнинг хоҳиш-истаги, эзгу мақсадлари ифодасидир. Айни кунларда мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий жараён бормоқда. Хусусан, халқимиз томонидан Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қўллаб-қувватлаш таклифлари баён этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида қатор қимматли ғоя ва таклифлар ўртага ташланди. Жумладан, “Конституцияда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини дахлсизлигини кафолатлаш, хусусан суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги керак. Иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шарт”. Бу таклиф жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг давлатимиз Бош қомусига киритилиши жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қилади. Зеро, қанчадан-қанча фуқароларимизни ўйлангандан келадиган масала бўйича жуда ҳам оқилона ва адолатли ечим топилади. Инсон учун ўзи ва оиласи яшаб турган уй-жойидан, кичик ватанидан маҳрум бўлиш қанчалик оғир қисмат. Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатда бирор-бир шахснинг мулки қонун асосида суд қарорисиз олиб қўйилиши мумкин эмас. Олинган тақдирда ҳам пули

тўлиқ қоплаб берилиши керак. Конституцияда айнан шундай қоидаларнинг қатъий муҳрланиши хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан олган сурилган барча таклиф ва ташаббуслар Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда бағоят аҳамиятлидир. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан сайловолди жараёнда илгари сурилган “Инсон қадрини учун” тамойилининг том маънодаги амалий ифодаси, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Конституцияда бундай қоидаларнинг белгиланиши уй-жой дахлсизлигини асосий инсон ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этиладиган универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига ҳам тўлиқ мос келади. Қолаверса, оила ва уй-жой тушунчаларни бир-биридан айро қўролмайдиган халқимиз учун бу қувончли хабар. Конституцияга киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимча албатта, умумхалқ муҳокамасига

қўйилиши зарур. Шу маънода, Комиссия таклифи асосида парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқилгач, референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш таклиф этилди. Бу ҳам жуда тўғри қарор, деб ўйлайман. Халқимиз, бундан беш йил олдинги халқ эмас, бугун аҳолимизнинг дунёқараши, ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллиги ошган. Бу каби жиддий конституциявий ислоҳотлар халқ билан келишиб амалга оширилиши Янги Ўзбекистонда халқни фикри эшитилаётганлиги ва қадрланаётганини кўрсатади. Қолаверса, Конституцияга киритилаётган ўзгаришларни ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши, ҳам референдумга қўйилиши мамлакатимизда давлат сиёсатининг очиқлигини кўрсатади. Конституцияга киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчани умумхалқ муҳокамасига қўйилиши жуда муҳим таклиф. Сабаби, ушбу ўзгаришлар давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масаласидир. Ушбу жараёнда жамоатчилик фикри ўрганилиши ва инобатга олинishi Бош қомусимиз ҳаётчилигини ва мукамаллигини таъминлаши шубҳасиз. Ҳар биримиз мамлакатнинг кейинги 10-20 йилдаги истиқболини белгилаб берадиган ушбу муҳим жараёнда фаол иштирок этишимиз зарур.



Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир, деб белгиланган.

**Шундай экан, Конституцияга ўзгартириш киритишни халқ билан ба-
маслаҳат, референдум ўтказиш орқали
қабул қилиш таклифи айни муддаодир.
Референдум бу халқ иродасининг бево-
сита ифодасидир, референдумда қабул
қилинган қарорлар эса халқ ҳокимият-
чилигининг ёрқин ифодасидир.**

**Солижон МЎМИНОВ,
Республика ихтисослаштирилган
кардиология илмий-амалий
тиббийет маркази Наманган
филиали директори.**

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: БАРЧАСИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



Айни пайтда юртимизда Ватанимиз тақдири ва келажак учун муҳим аҳамиятга эга бўлган конституциявий ислоҳотлар қизгин паллага кирди. Ушбу жараёнларда юртимиз фуқаролари конституцияга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича ўзларининг таклиф ва муносабатларини билдириб, фаоллик билан иштирок этмоқдалар.

Шу ўринда Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида фаолият кўрсатаётган шифокор ва ҳамширалар ҳам ўз таклифлари билан қизгин иштирок этмоқдалар. Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бугунги куннинг энг муҳим ва энг долзарб вазифаларидан бири саналади, чунки дунёдаги нуфузими янада ошириш, обрў-эътибор, шаънимизни ҳимоя қилиш ва тараққий этишимизда қомусимиз бўлган консти-

туциянинг ўрни бекиёсдир. 40-моддага соғлиқни сақлашга оид қуйидагича нормалар қўшилипти: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг қонунда белгиланган ҳамда тез ва шошилиш тиббий ёрдамни ҳам ўз ичига оладиган кафолатланган ҳажмини бепул олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш, санитария-эпидемиологик

осойишталикни таъминлаш, тиббий суғуртанинг турли шакллари ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради.

Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва ҳимоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўради. Конституцияга 401-модда қўшилмоқда: Ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлигига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли ет-



казилган зарарнинг ўрни қопла-ниши ҳуқуқига эга. Конституция бу менинг қомусим, менинг юртимни шаъни ва ғуруридир, чунки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари акс этиши лозим.

Конституция асосий қомусимиз. Ўзбекистон ривожланиш йўлида бораётган катта қарвон, йўлчи юлдузидир. Шундай экан, мазкур жараёнда барчамиз фаол иштирок этайлик.

**Маъмурахон САФОЕВА,
Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш
бошқармасининг бош мутахассиси.**

BUGUNNING MAVZUSI

ЗАНГИОТА ШИФОХОНАСИ КОРОНАВИРУСГА ТЕСТ ТОПШИРИБ КЕТАДИГАН МУАССАСА ЭМАС

Дунёда COVID-19 пандемияси бошланганига икки йилдан ошди. Айтилган пайтда инсоният бу касалликни енгиш ва уни жиловлаш учун барча чораларни ишга солмоқда. Бироқ вирус ортга чекинаётгани йўқ.

Аксинча, сўнгги кунларда дунёнинг қатор мамлакатларида ушбу инфекция билан боғлиқ вазият яна мураккаблашяпти. Айниқса, АҚШ, Германия, Бразилия, Италия, Тайвань ва Испания каби давлатларда касалланишлар сони кундан кунга ошиб бораётгани кўпчиликни ташвишга солаётир. Статистик рақамларни таҳлил қилсак, юртимизда ҳам кейинги ҳафтalarda COVID-19 га чалиниш ҳолатлари бироз ортганини кўриш мумкин. Табиийки, мамлакатимиздаги эпидемик ўзгариш, энг аввало, Зангиота 1 ва 2-сон юкумли касалликлар шифохоналари фаолиятида акс этади. Хўш, бугун бу ерда вазият қандай? Ушбу шифо масканларида қанча бемор даволанмоқда?

Маълум бўлишича, айтилган пайтда 4000 ўринга мўлжалланган Зангиота 1 ва 2-сон юкумли касалликлар шифохонасида коронавирус ташхиси қўйилган ва касалликка гумонланган 900 нафарга яқин бемор даволанмоқда. 93 нафар бемор эса жонлантириш бўлимида даво муолажаларини оляпти.

– Охири ҳафтани инобатга олсак, юртимизда касалланишлар сони бироз ортганини кўриш мумкин, – дейди Зангиота 2-сон юкумли касалликлар шифохонаси директори Дониёр Мирасимов. – Айтилган пайтда муассасамизга кунига ўртача 70-80 нафар бемор мурожаат қилиб, уларнинг 25-30 нафари госпитализация қилинапти. Бироқ шунини айтиш керакки, касалланишлар сони ош-

ган бўлса-да, бугун шифохонага ётқизиладиган аксарият беморларда ўпка зарарланиши, сатурациянинг пасайиши каби жиддий асоратлар кузатиладигани йўқ.

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Зангиота касалхонасида коронавирусга чалинган беморлар сони кескин ортгани айтилмоқда...

– Ўтган йилнинг шу даври билан таққосласак, беморлар сони жуда паст, – дейди Зангиота 1-сон юкумли касалликлар шифохонаси директори ўринбосари Хилола Алимова. – Айтилган пайтда муассасамизга мурожаат қилаётган ва госпитализацияга кўрсатма бўлган беморларнинг барчаси шифохонага ётқизилиб, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Марказимиз етарли даражада тиббий анжом ва дори воситалари билан таъминланган.

Шу ўринда беморлардан илтимос қилиб сўрайдимки, агар ўзингизда касаллик аломатла-



рини сезсангиз, Зангиота юкумли касалликлар шифохонасига эмас, аввало, яшаш худудингиздаги оилавий поликлиника ёки оилавий шифокор пунктига ҳамда Санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман бўлимига мурожаат қилиш мақсадга

мувофиқ бўлар эди. Сабаби шифохонамиз коронавирусга тест топширадиган ёки тана ҳароратини ўлчайдиган муассаса эмас. Балки COVID-19га чалинган ва хасталик оғир ҳамда ўта оғир кечаётган беморлар даволаниши учун мўлжалланган шифо масканидир.

Шундай экан, юртдошларимиздан ўзи ва яқинлари саломатлигига янада эътиборли бўлиб, касалликка қарши ўз вақтида тўлиқ дозаларда эмланишларини сўраймиз.

@ssvuz

МИЛЛИЙ ПАЛАТАДА

Беморга тезкор ва тўлақонли ёрдам кўрсатиш учун шошилинч (тез) тиббий ёрдам тизими ҳар доим ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиб бориши керак.



Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси томонидан 2022 йил 23 майдан бошлаб тиббиётдаги маз-

кур таҳлил бўйича тренинг ўтказиш бошланди. Тингловчиларнинг дастлабки гуруҳига шошилинч тиббий ёрдам хизматининг (ШТЁ) вилоят, шаҳар ва

МУТАХАССИСЛАР УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

туман бўлимларининг 115 нафар раҳбар ва мутахассислари жалб этилди. Бу ҳақда мазкур тузилма матбуот хизмати маълум қилмоқда.

Миллий палатанинг Тошкент шаҳар худудий бўлимида ўқув курси ўтиш ҳуқуқини танлов асосида қўлга киритди. «Ишончли далиллар асосида қарорлар қабул қилишда салоҳиятни ошириб бориш» номли онлайн тренинг 72 соатга мўлжалланган бўлиб, бир қатор индикаторларга замонавий нормалар ва ёндашувларни ўз ичига олади. Улар, хусусан, ШТЁ кўрсатиш учун тиббий ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишнинг натижадорлигини, «тез ёрдам»ни чақиришда касалликларнинг асосий гуруҳларини, энг зарур дориларни ва ҳоказоларни таҳлил этишда ёрдам бериши керак.

– «Мамлакатимиз раҳбари томонидан шошилинч тиб-

бий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга катта эътибор қаратиляпти ва биз юртимиз ШТЁ тизимига энг яхши жаҳон тажрибаларини жалб этишга ҳиссамизни қўшишни муҳим вазифа деб биламиз», – деб таъкидлайди Миллий палата раҳбари Равшан Изамов.

Бевосита ШТЁ тизимида ишлайдиган одамлар салоҳиятини ошириш – бу муҳим қадам. Бу «тез ёрдам»нинг қисқа вақтлар оралиғида барча дори воситалари етарли бўлган ҳолда кўзга кўринган мутахассислик бўлиши учун зарур бўлган маълумотлар таҳлили зарурлигини тушуниш имкониятини беради.

«Ҳар қандай соҳада ҳам кадрлар масаласи муҳим масалалардан бири, лекин тиббиётда шифокорларнинг, турли даражадаги раҳбарларнинг салоҳиятини ошириш – доимий жараён. Бу фуқароларимизни ташхис-

лаш ва даволашда тиббий ёрдам сифатини аниқлайдиган индикаторларни жорий этиш йўли билан жаҳон соғлиқни сақлаш тизимининг энг яхши услубларини қўллаш имконини беради», – дейди Миллий палатанинг Тошкент шаҳар худудий бўлими раҳбари Эльвира Марақаева.

Шошилинч тиббий ёрдам тизими фаолиятига бундай таҳлил амалиётини жорий этгандан сўнг, бизнинг шароитимизда маълумотларни таҳлил этишга самарали ёрдам берадиган дастурий таъминотни танлаш ва ундан фойдаланиш осон бўлиб қолади. Замонавий соғлиқни сақлаш тизими одамлар саломатлигини муҳофаза қиладиган, вақти келганда ҳаётини асраб қоладиган, шу жумладан, рақамли имкониятлардан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга интилади.

Намозжон ТОЛИПОВ.

МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИЛДИ

Шу йилнинг 23 июнь кунини вакциналар ва иммунизация бўйича Глобал Альянс (GAVI) ташкилоти ҳамда ЮНИСЕФ вакиллари, Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассислари Фарғона ва Кўқон шаҳарларида бўлиб, иммунизация ва вакцинация тадбирлари ҳамда вакцина сақлаш омборлари билан танишдилар.

Улар ҳозирда мавжуд бўлган барча турдаги вакциналар ҳолати, вакциналарни сифатли сақлаш учун зарур бўладиган совуқлик занжири тизимини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, ходимлар салоҳиятини ошириш орқали колдик ва эҳтиёжнинг қондирилиш дара-

жаси устидан мониторинг олиб бордилар. Фарғона вилоятидаги вакциналар омборида ҳозирда мавжуд бўлган барча турдаги вакциналарни сақлаш мумкин. У ерда 30 м³ учта совуқлик камераси (2-8 ° С), жиҳозланган бўлиб, иммунизация учун зарур материаллар сақла-

надиган 250 м² қурук омборга ҳам эга. Омборхона юкларни тез ва самарали бошқариш механизмлари билан жиҳозланган. Шунингдек, узлуксиз электр таъминоти учун кучли заҳира дизель генератори мавжуд.

Ўтган йили бошқармамиз учун БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан 1 та музлаткичли юк машинаси ва 19 та Miniven-Labo автомобиллари топширилган эди. Ундан вилоят бўйлаб аҳоли эмланганлигининг мониторингини олиб бориш, сифатини янада яхшилаш учун фойдаланилмоқда.



Вакциналарни ўз вақтида тақсимлаш эса муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу автомобиллар вилоятнинг барча худудларига сифатли вакциналарни етказиб беришни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Анвар ЯРУЛЛИН,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Фарғона вилоят бошқармаси Иммунопрофилактика бўлими мудири

ГЛОБАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА

О ПОИСКЕ ПРЕПАРАТОВ ПРОТИВ УСТОЙЧИВЫХ
К АНТИБИОТИКАМ ПАТОГЕНОВ

Пандемия коронавирусной инфекции ускорила появление устойчивых к лекарствам микроорганизмов – бактерий и грибов. Учёные и медики отмечают случаи, когда прежде не опасные для людей микроорганизмы становятся патогенами для человека, а по отношению к некоторым бактериям антибиотики утрачивают эффективность, причём чаще всего такие штаммы появляются в больничных условиях.

Об этом в интервью RT рассказала доктор биологических наук Вера Садыкова, заместитель директора и заведующая отделом микробиологии ФГБНУ «НИИ по изысканию новых антибиотиков имени Г.Ф. Гаузе». По словам эксперта, сейчас учёные разрабатывают альтернативу традиционным препаратам. Например, против резистентных штаммов предлагается использовать бактериофаги – специальные вирусы, не опасные для человека. Недавно в США были опубликованы результаты исследования, которое выявило повышенный уровень устойчивых к антибиотикам бактерий у людей, прошедших госпитализацию во время пандемии коронавирусной инфекции, причём как у тех, кто перенёс COVID-19, так и у тех, чьи тесты были отрицательными. Исследователи пришли к выводу, что пандемия повлияла на процесс формирования у бактерий резистентности к антибиотикам.

Наблюдается ли похожая тенденция в России и других странах?

– Действительно, интенсивное применение антибиотиков для лечения осложнений COVID-19 спровоцировало всплеск антибиотикорезистентности у бактерий и грибов. Например, сейчас наблюдается стремительный рост заболеваний глубокими микозами, которые протекают крайне тяжело и вызывают высокую смертность. Отмечу, что, если мы говорим о резистентности патогенов, речь идёт уже не только о бактериях – грибы в последнее время начинают выходить на первое место по устойчивости к лекарствам. Хотя пандемия сыграла негативную роль, в целом проблема имеет давнее происхождение и связана с массовым применением антибиотиков, которое только растёт с каждым годом. К примеру, применение этих препаратов с 2000 по 2015 год увеличилось на 65%. Во многом рост объясняется увеличением доступа к лекарствам в развивающихся странах. Антибиотические препараты незаменимы в лечении инфекционных заболеваний, а также для профилактики при ослаблении

иммунитета, однако из-за нерационального и чрезмерного применения таких препаратов возникла глобальная проблема лекарственной устойчивости патогенов, которые приспособились выживать в присутствии антибиотиков. Лечение инфекций, вызванных резистентными штаммами, намного сложнее и дороже, а в отношении панрезистентных микроорганизмов (устойчивых ко всем известным препаратам. – RT) может и вовсе не давать эффекта.

Поскольку имеющиеся сейчас противомикробные средства теряют эффективность, а разработка новых препаратов замедлилась, многие инфекции вновь угрожают жизни людей, а медицинские процедуры становятся более рискованными.

Ежедневно врачи сталкиваются с инфекциями, которые не реагируют на доступные противомикробные препараты.

Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) назвала проблему устойчивости к противомикробным препаратам одной из десяти стоящих перед человечеством глобальных угроз здоровью населения. Насколько такие инфекции уже распространены, как часто врачи сталкиваются с ними в своей практике? Какие болезни чаще всего ими вызываются?

– Есть целая группа таких патогенов. Эти бактерии вызывают внутрибольничные инфекции, плохо поддающиеся терапии и особенно опасные для ослабленных пациентов. Именно в стационарах возникают наиболее подходящие условия для появления таких устойчивых микроорганизмов. Также растёт численность опасных грибковых заболеваний. Например, патогенными для человека становятся некоторые грибы, прежде известные как типичные сапротрофы (микроорганизмы, питающиеся отмершими останками. – RT). Растёт, особенно на фоне пандемии COVID-19, число грибов, устойчивых ко всем используемым противогрибковым препаратам.

При этом создание новых лекарственных средств требует очень больших ресурсов: для разработки нового эффектив-

ного антибиотика нужно 10–12 лет и от \$800 млн до \$2 млрд.

Такими разработками занимаются крупные зарубежные фармацевтические компании, ведущие университеты. Однако в целом в последнее десятилетие фармацевтическая промышленность не уделяет этой сфере достаточно внимания.

Насколько велик «вклад» медицинских организаций в проблему? Например, часто антибиотики назначаются пациентам без микробиологических исследований, методом слепого подбора. Может ли это тоже служить негативным фактором?

– Да, ошибочное назначение антибиотика без проведения предварительных анализов на чувствительность патогена может способствовать развитию антибиотикорезистентности.

Недавно учёные из австралийского Университета Монаша выяснили, что значительная доля говядины и лосося, которые продаются в супермаркетах, населена бактериями, устойчивыми к целому ряду широко используемых антибиотиков. Появилось и другое исследование, согласно которому устойчивые к антибиотикам бактерии могут передаваться людям от свиней – микрофлора животных получает резистентность из-за применения антибиотиков на фермах. Является ли применение антибиотиков в животноводстве одной из причин возникновения устойчивых штаммов?

– Да, этот фактор тоже способствует появлению резистентных штаммов. Но причина – в потреблении людьми продукции, содержащей остаточные количества антибиотиков, а не в возможной передаче человеку патогенов животных.

Как выявляют в ВОЗ, ни один из находящихся сейчас на стадии клинической разработки антибиотиков не сможет решить проблему устойчивости бактерий, поскольку почти все препараты относятся к старым классам действующих веществ. Означает ли это, что традиционные антибиотики скоро перестанут выполнять свои функции?

– Антибиотики будут использоваться в медицине и дальше, просто нужно наряду с ними создавать препараты другого принципа действия. Отмечу, что технологии разработки традиционных антимикробных препаратов тоже не стоят на месте, а развиваются. Поэтому сейчас очень важно



модифицировать классические антибиотики с помощью полусинтетических или синтетических антибиотиков следующих поколений.

Антибиотики производятся при помощи натуральных продуцентов – специальных микроорганизмов, а также путём биосинтеза. Натуральные антибиотики имеют ряд преимуществ. Они обладают структурным разнообразием, высокой активностью к патогенам, а также широким спектром действия. Однако их производство сложно масштабировать.

В последнее десятилетие для производства антибиотиков всё чаще применяется биосинтез. Кроме того, ведётся работа по модификации уже известных природных антибиотиков с помощью химических или генетических методов.

При этом новое вещество должно отвечать целому ряду требований. К примеру, его молекулы должны быть биодоступны – проникать через мембрану бактерии и связываться с определёнными мишенями в патогене. Также такие препараты должны не иметь побочных эффектов, не быть токсичными, быть недорогими в производстве. Подобрать вещество, отвечающее всем необходимым требованиям, очень сложно, поэтому новые антибиотики появляются относительно редко.

Конечно, с момента открытия антибиотиков в первой половине XX века технологии поиска новых лекарств сильно эволюционировали. В последние годы учёным стала доступна технология секвенирования генома микроорганизмов, что открыло совершенно новые стратегии для поиска лекарственных веществ.

– Если говорить об альтернативах антибиотикам, какие самые перспективные направления исследований можно выделить?

Следует отметить и такое направление, как использование против патогенов антимикробных пептидов (antimicrobial peptides, AMP). Это группа молекул, обладающих антимикробной активностью, AMP являются важным компонентом врождённой иммунной защиты и механизма заживления ран.

– Есть ряд основных стратегий. Во-первых, подбор комбинаций уже известных антибактериальных препаратов для получения синергетического эффекта. Во-вторых, создание препаратов против мутаций в бактериях, придающих патогенам устойчивость к антибиотикам. Известно, что бактерии производят белки, играющие активную роль в мутациях собственного генома. Поиск препарата, способного подавить выработку и работу этих белков, – принципиально новый подход в борьбе с развитием резистентности.

Ещё одно направление – поиск вспомогательных веществ, которые могут ослабить механизмы резистентности бактерий, или же такое усовершенствование молекулы антибиотика, чтобы бактерия не могла её инактивировать.

Была даже разработана новая группа антибактериальных молекул EPI (efflux pump inhibitors), которые подавляют активное выведение антибиотиков из бактериальных клеток. Такие молекулы способны блокировать активацию генов бактерии, отвечающих за вывод антибиотика за пределы клетки. Эти вещества применяются совместно с обычными антибиотиками, чтобы восстановить их эффективность.

Перспективным направлением работы также является поиск бактериофагов – вирусов, способных уничтожать бактерии, но безвредных для человека. У такой терапии есть много преимуществ: она экономична и эффективна против устойчивых к антибиотикам бактерий.

Также сейчас изучается методика горизонтальной передачи бактерицидных генов. Дело в том, что бактерии способны передавать ДНК не только своим «потомкам», но и горизонтально – бактериям своего или даже чужого вида. Это можно использовать для распространения в бактериальной колонии губительных для неё генов.

Надежда АЛЕКСЕЕВА.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

«ТИББИЙ БРИГАДАЛАР» ФАОЛИЯТИ МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Беморга тезкор ва тўлақонли ёрдам кўрсатиш учун шошилиш (тез) тиббий ёрдам тизими ҳар доим ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиб бориши керак.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида”ги қарори ижросини таъминлаш, “Тиббий бригадалар” фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Ромитан туманида семинар тренинг ўтказилди. Се-

минарда Бухоро, Когон, Жондор, Вобкент, Пешқў ва Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаларининг бош ҳамширалари ва тиббий бригада ҳамширалари таклиф этилди, тажрибалар ўзаро алмашилди. Илмий-амалий семинар тренингда «Тиббий бригада ҳамшираларининг вазифалари», «Ота-она ва фарзанд ўртасидаги боғлиқлик», «Кичик ва мактабгача таълим ёшидаги болалар ўртасида тарқалган муаммолар», «Универсал прогрессив моделни амалиётга тадбиқ этиш» каби мавзуларда ромитанлик ҳамширалар ўз ҳамкасбларига маърузалар, саҳналаштирилган ўйинлар, амалий жараёнлар орқали тақдимот ўтказдилар.

Вилоятда «Тиббий бригадалар» фаолиятини йўлга қўйиш ишларида Ромитан тумани илғорлардан саналади. Айниқса, аҳоли орасида соғлом



турмуш тарзи тарғиботи ва соғлом овқатланиш бўйича ўтказилган тақдимотлар барчага бирдек манзур бўлди. Тадбирда «Кидс Эстетга» оилавий хусусий болалар боғчаси тарбияланув-

чиларининг бадий чикишлари тадбирга файз бағишлади. Ўтказилган бундай илмий-амалий семинар, маҳорат дарслари йиғилиш иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Асосийси, семинар орқали тиббиёт ходимларининг амалий кўникма ва тиббий билимларининг ошишига эътибор берилди.

Маъмурахон САФОЕВА,
Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси.

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

БОЛАЖОНЛАРИМИЗ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ёз фасли келиши билан болажонлар оромгоҳларида дам олишни орзу қилишади. Мана бугунги кунда кўп қабил фарзандларимиз оромгоҳлар кўйида ҳордиқ чиқаришмоқда.



Таъкидлаш муҳимки, айни кунларда пойтахтимизнинг кўп қабил мактабларида кундузги дам олиш оромгоҳлари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 208 – умум таълим мактабида ҳам кундузги оромгоҳ ташкил этилган бўлиб, унда болажонлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Мазкур болалар оромгоҳида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, катта тарбиячи М. Азизова ва болалар етакчиси Э. Купаева-лар белгиланган режа асосида фаолият олиб боришмоқда. Айниқса, “Ҳаёт” лойиҳасининг во-



лонтёри Ольга Вревская болаларга оила ва жамоат жойларда инсонларга бўлган илиқ муно-

сабат, шунингдек, кўчада қаровсиз қолган ҳайвонларга эътибор қаратиб, уларга ёрдам кўрсатиш бўйича дарс сабоқларини ўтказиб келмоқда. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан болаларга ҳуқуқбузарлик ва жиноятни олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш бўйича профилактика ишларини давом эттириб келмоқдаман. Бунинг баробарида болажонлар режага мувофиқ пойтахтимиздаги музейларга ҳам ташриф



ётган фаолиятлардан доимий габолажонларимизнинг салоҳабардор бўлиб, болажонлар матлиги, касб йўналишига бўлган муносабати, шунингдек, оила ва жамиятдаги ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир.

Хулоса ўрнида айтишимиз эвоизки, болажонларимизга ўз вақтида керакли маслаҳат, тавсия ва илиқ меҳримизни берсак, улар келажакда жамиятимиз тараққиёти учун етуқ фарзандлар бўлиб етишишига ишончимиз қомил.

Фотима МАВЖУДОВА,
Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологи, лейтенант.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Ташкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 712 нусха.
Буюртма Г-640

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.